# ТАДБИРКОР

*Палаталар фаолиятидан*

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ АСОСИ

**ЎТГАН ЙИЛИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ШУ АСОСДА АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДАН ИБОРАТЛИГИНИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАГАН ЭДИЛАР. АЛБАТТА, ЮРТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛДИКИ, БУНИ ЙИЛ САЙИН УЛАРНИНГ САФИ КЕНГАЙИБ, ФАОЛИЯТЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАЁТГАНИДА ЯҚҚОЛ КЎРИШ МУМКИН. БУ БОРАДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАДБИРКОРЛИККА ОИД ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ ЧИҚАРИЛГАН БЎЛИБ, УЛАРНИНГ ИЖРОСИ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ҲАМ САМАРА БЕРМОҚДА. ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ «САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ВА «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ ТАСДИҚЛАГАН НИЗОМИ БЎЙИЧА ОЛИБ БОРАЁТГАН РЕСПУБЛИКА САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИДА ЎТГАН ЙИЛДА БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ХУСУСИДА БОШҚАРМА БОШЛИҒИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ШАВКАТ МИРЗАЕВ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ:**

— Бошқармамизда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилган бўлиб, бунда биз Президентимизнинг соҳа ривожига оид Фармон ва Қарорлари ижросини таъминлашга, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, молиявий кўмак беришда ёрдамлашишга, муаммоларини ечишда камарбаста бўлишга интиламиз. Республикамиз Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ва 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ижросини таъминлаш, уларда белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга тушунтириш, амалда қўллаш бўйича семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилиб, ана шундай анжумларда кўплаб соҳа ходимлари иштирок этишди. Ўтказилган бундай тадбирларда тадбиркорларнинг иштироки, фаоллиги таъминланиб, Фармонларда белгиланган вазифалар хусусида батафсил маълумотлар берилди, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга оид амалдаги қонунчилик ижроси, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан кўзда тутилган вазифалар, уларнинг фаолиятида учраётган тўсиқлар, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш ва бошқа қатор масалаларга эътибор қаратилди, саволларга батафсил жавоблар берилди. Албатта, бундай тадбир ва мулоқотлар тадбиркорларга эълон қилинаётган ва амалда қўлланилиши лозим бўлган Фармон ҳамда қарорлардаги кўзда тутилган вазифаларни тўлиқ англашларида, фаолиятларида амалга оширишларида катта ёрдам бериши, шубҳасиз.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, республика Бош прокуратураси, шаҳар Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ва санитария-эпидемиология маркази, шаҳар стандартлаштириш ва метеорология бошқармаси ва бошқа кўплаб соҳалар раҳбар ва вакиллари билан тадбиркорлар иштирокида ўтказилган семинар ва мулоқотлар қизиқарли ҳамда мақсадга мувофиқ бўлди. Уларда иштирок этган юзлаб тадбиркорларимиз фаолиятлари муваффақиятини таъминлашда ҳар томонлама ўргандилар, билимларини оширдилар.



Шунингдек, бошқармамиз ўтган йилда ЎзЛиДеП билан ҳамкорликда «Бож-тариф билан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари» мавзуида пойтахтимизда экспортчилар уюшмаси билан учрашув ўтказди. Президентимизнинг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар, унда белгиланган бир қатор имтиёзлар тадбиркорларга етказилди.

Тошкент шаҳар Жамоатчилик кенгаши ишини янада қулайлаштириш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштируви бўйича йиғилишлар ўтказилмоқда. Тадбиркорлар билан мукаммал иш олиб бориш учун ҳозирги кунда жамоатчилик кенгашининг иш фаолиятини юритишдаги методик қўлланмалар тайёрланиб, улар устида иш олиб борилмоқда.

Хорижий ишбилармонлар тажрибаларини ўрганиш, улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор беріляпти. Болгария, Латвия, Ҳиндистон, Украина тадбиркорлари билан ўтказилган давра суҳбатлари бунинг ёрқин мисолидир. Россия Федерациясининг Ярославль шаҳридан келган бир гуруҳ ишбилармонлар пойтахтимиз тадбиркорлари билан ўзаро мулоқотда бўлишди, тажрибаларини ўртоқлашишди. Бошқарув ходимларининг малакалари ва тажрибаларини ошириш мақсадида Шайхонтоҳур туманидаги Ахборот-маслаҳат маркази УК «Қонун хизматчиси» директори Ҳилола Миржавҳарова, С.Раҳимов тумани Ахборот-маслаҳат маркази мутахассиси Сайёра Тўхтаева хориж давлатларига ўқишга юборилди.

Ўтган йилда шаҳримиз тадбиркорларининг ютуқлари Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2007» кўрик-танлови ва кўргазма-ярмаркаларда яққол намоён бўлди. Шу ўринда «Ташаббус»да ғолибликни қўлга киритган тадбиркорлар Дониёр Раҳматуллаев (ALUBOND ROISON BUILDING TECHNOLOGU» ШК), Комил Қосимов («RADIKS» МЧЖ), Алексей Тен («HOLOS» МЧЖ) ҳамда «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича фахрли ўрин соҳиблари бўлган Азимжон Алибеков, Равшан Зиёев, Рустам Қосимовларни фахр билан айтиш лозим. Миниатюрачи рассом Азимжон Алибеков кўрик-танловнинг республика босқичида пойтахт шарафини ҳимоя қилиб 3-ўрин соҳиби бўлди ва Президент совринини қўлга киритганлиги фахрланарлидир. Энг муҳими эса тадбиркор ва ҳунармандларимиз ушбу рағбатдан бениҳоя руҳланган ҳолда ўз фаолиятларини ривожлантирмоқда, янги ғоя, янги ташаббуслар йўлида изланишмоқда, иқтисодиёт ривожига, миллий ҳунармандчиликни жаҳонга танитишга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йилда истеъмолчиларга 2008 йил учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва енгил саноат товарлари, мебель ва мебель маҳсулотлари, қурилиш ашёлари етказиб бериш бўйича ўтказилган республика улгуржи савдо ярмаркаларида пойтахтимиз тадбиркорлари ҳам фаол иштирок этишди ва фойдали шартномалар тузишга муваффақ бўлишди. Бу, албатта тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифат ҳамда рақобатбардошлигидан дарак беради.

Бошқармамизнинг юридик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўлими томонидан тадбиркорларнинг ҳар бир мурожаатига эътибор билан қаралади. Бўлим томонидан «ALGEO AQUVA», «EKOKLMOBIOSERVIS» МЧЖ, «ASIA OGRO ALLIANCE» МЧЖ қўшма корхонаси, «CHANG JANG» кичик корхонаси, «TEXTIL IMPEX», «TOSHKENT ZENNER» қўшма корхоналари ва бошқа хусусий корхоналарга технологик дастгоҳлар олиб киришда божхона имтиёзларидан фойдаланиш бўйича ёрдам кўрсатилди. Суд жараёнларида қатнашиб, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб хўжалик судларига даъво аризалари киритилди. Даъволар қаноатлантирилиб, тадбиркорлик субъектлари фойдасига 10.295.223.448 сўмлик пул маблағлари ундириб берилди.

Бундан кейин ҳам бошқармамиз ходимлари тадбиркорларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб, уларнинг фаолияти ривожида, иқтисодиёт равнақига қўшаётган ҳиссалари салмоқли бўлишида мадад бўлишга куч-ғайратларини аямайди. Зеро ушбу соҳанинг гуллаб-яшнаши эл-юрт фаровонлигида, аҳолини иш билан таъминлашда, ички ва ташқи бозорда муносиб ўрин эгаллашда катта аҳамият касб этади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

---

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Айни пайтда аёллар учун янги иш ўринлари барпо этиш, уларни иш билан таъминлаш, касаначиликни, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, ишбилармон аёллар учун республикамиз тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишга катта эътибор қаратилаётир. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш ҳудудий дастурига мувофиқ республикамизда бу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилгани, янги иш ўринлари барпо этилиб, кўплаб аёллар иш билан таъминлангани, юртимиз тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш ишларига 2007 йилда ажратилган маблағлар миқдори аввалги йилларга нисбатан анча юқори экани бунинг ёрқин далилидир.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни оммавий спортга кенг жалб этиш қўмитанинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Унинг ташаббуси билан ўтказилган «Тўмарис аёллар» республика спорт фестивали, сузиш, бадиий гимнастика, югуриш бўйича мусобақалар, турнирлар, хотин-қизлар ўртасида спорт мураббийларини тайёрлашга доир анжуманлар, семинар-машғулотлар аёлларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун пухта замин яратмоқда.

Йиғилишда хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш, бу борада қўмитанинг турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурлигига эътибор қаратилди. 2008 йил – Ёшлар йилига доир фаолият режаси белгилаб олинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

## ЎЗБЕКИСТОН ВА МИСР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**ШУ ЙИЛНИНГ 4-5 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ (МАР)НИНГ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ ТАМЕР ХАЛИЛ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ТОШКЕНТДА БЎЛДИ.**

Миср ҳайъати Ўзбекистонга қилган ташрифи доирасида Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа қатор идораларда бўлиб, музокаралар ҳамда учрашувлар ўтказди.

Т.Халил ўз сафари якунида "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюсида таъкидлашича, айни пайтда Ўзбекистон ва Миср Араб Республикаси ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда. 2007 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига қилган расмий ташрифи ва мазкур сафар давомида давлат раҳбарлари томонидан эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарганини Т.Халил алоҳида қайд этди.

2007 йил июль ойидан бошлаб Тошкент ва Қоҳира шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновининг йўлга қўйилгани, икки мамлакат ишчи доиралари вакилларининг ташрифлар алмашуви, 2007 йилнинг 23 декабрида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида ва ўтган йили Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирларда Миср вакилларининг фаол иштироки икки томонлама ҳамкорликнинг янада фаоллашаётганига ёрқин мисолдир.

Миср делегациясининг Тошкентга амалга оширган мазкур ташрифи чоғида турли соҳаларда икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

МАР делегацияси раҳбарининг қайд этишича, «Миср томони Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштиришга катта қизиқиш билдирмоқда. «Биз 2008 йилнинг иккинчи ярмида 6-йиғилиши ўтказилиши режалаштирилаётган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср қўшма комиссияси ишига катта аҳамият қаратаяпмиз» — дейди у. — «Биз мамлакатларимиз фармацевтика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш каби соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаоллаштириш мумкин, деб ҳисоблаймиз».

Халқ хўжалигининг турли соҳалари вакиллари учун малака ошириш курсларини мунтазам равишда ташкил этиб келаётган МАР Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги МДҲ мамлакатлари билан техник ҳамкорлик жамғармаси ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришни мўлжаллаган.

Т.Халилнинг сўзларига кўра, таълим, фан ва маданият, шунингдек сайёҳлик соҳаларида икки мамлакат ҳамкорлигини янада ривожлантириш Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

«Сизнинг муқаддас заминингиз ўзининг буюк донишмандлари ва олимлари, шунингдек ислом меъморчилигининг бетакрор тарихий обидалари билан дунёга машҳур, — дейди МАР ташқи ишлар вазири ўринбосари Т.Халил. — Ўзбекистон асрлар давомида дунё ва ислом цивилизацияси ривожида муҳим роль ўйнаган илм-фан ва маданият маркази бўлган. Аҳмад ал-Фарғоний, Муҳаммад ал-Хоразмий ва бошқа кўплаб ўзбек олим ҳамда донишмандлари амалга оширган илмий кашфиётлар Миср фани ва маданияти ривожига улкан таъсир кўрсатган.

Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва самимийлиги менга жуда яхши таниш эди. Юртингизга ташрифим чоғида буни ўз кўзим билан кўриб, яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Бу ерга ташрифимнинг илк дақиқалариданоқ ўзимни гўё она ватанимда юргандай бир ҳиссиёт чулғаб олди. Шу фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқига фаровонлик, тинчлик ва гуллаб-яшнашдек энг эзгу тилакларимни изҳор этаман».

**Ж.МУТАЛОВ,**
**Ғ.ШУКУРОВ,**
**"Жаҳон" АА.**

---



**БОЗОР ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТИШ, ХОРИЖДАН ҲАМКОРЛАРНИ ЖАЛБ ЭТГАН ҲОЛДА УЛАР БИЛАН ШЕРИКЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ШУ АСОСДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ, ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «SUVMASH» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА, ХАРИДОРЛАРИ САФИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА.**

*Хорижий инвестициялар — иқтисодиётга*

## МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЕТАКЛАЙДИ

Сув — бу оби ҳаёт, тириклигимиз манбаи, турмушимиз фаровонлигида унинг ўрни беқиёс. Буни дилдан ҳис этган корхона тадбиркорлари соҳа мутахассисларига керакли замонавий насос ва агрегатларни етказиб беришда, четдан келтириладиган ана шундай товарлар ўрнини босадиган, улар билан тенгма-тенг рақобатлаша оладиган маҳсулотлар тайёрлашда фаолликни ўз қўлига олган. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, корхона ўзининг 37 йиллик фаолияти давомида жуда муҳим саноат объектлари ва фуқаролик қурилиши учун зарур буюртмаларни юқори сифат билан ўз вақтида уддалаб келган. Айниқса, Туямўйин гидроузели, Тўполон сув омбори, Аму-Бухоро канали, «Амузанг» насос станцияси ва бошқа кўплаб сув хўжалиги қурилишларида корхона маҳсулотларидан самарали фойдаланилганини таъкидлаш керак.



Тадбиркорлик билан ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиш бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан эканлигини корхона мутасаддилари яхши англашгани боис ҳам бугунги саъй-ҳаракатлар ана шунга яраша бўлмоқда. Ҳозирги пайтда акциядорлик жамиятининг назорат пакети акциялари эгаси бўлган Россия Федерациясидаги «Энергомашкорпорация» акциядорлик жамияти билан узвий ҳамкорлик қилинаётгани яхши натижалар беряпти. Дунёга ўз маҳсулотлари билан машҳур бўлган кўплаб корхоналарни таркибида мужассамлаштирган ушбу йирик компания инвестицион мажбуриятларини вақтида ва тўла адо этаётгани боис ҳам унинг цехлари юксак унумли замонавий технологик линиялар билан жиҳозланди. Натижада янги юқори унумли ва рақобатбардош насос маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятлари янада кенгайди, турларини кўпайтиришга эришилмоқда.

Бугунга келиб тадбиркор жамоа аҳли томонидан имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда 35 турдан зиёд импорт ўрнини босувчи истиқболли насослар ва ЭЦВ; К; Д; А50ГО; А40ГЦ; А3ОГЦ; ГрУ сингари сифатли агрегатлар тайёрлаш йўлга қўйилганки, улар аввалари мамлакатимизга хорижий давлатлардан олиб келинарди. Ана шундай қимматбаҳо насосларнинг ўзимизда тайёрланаётгани эса четдан келтириш имкониятини анча чеклайди, соҳа ходимларига қулайлик туғдирди. Шунингдек, корхонада насосларнинг бутловчи қисмларини таъмирлаш ҳам амалга оширилмоқда.

Корхонанинг экспортга мўлжалланган маҳсулотлари қўшни давлатлар ва марказий Осиё мамлакатларида ҳам ўз харидорини топмоқда. Ички ҳамда ташқи бозорни ўрганишда маркетинг ишларининг талаблар даражасида олиб борилиши яхши самара бермоқда. Буюртмачи ва харидор талаби ҳамиша ўрганилади, таклиф ва мулоҳазалари таҳлилига эътибор қаратилади. Муҳими, уларга янги тайёрланган маҳсулот ҳақида маълумотлар бериб борилади. Бу борада корхонада ISO 9001-2000 халқаро стандарт сифатига мос келадиган менежмент тизимининг фаолияти ибратлидир.

Ютуқларни намойиш этиш, рағбатлардан руҳланиш муваффақиятларга етаклайверади. «SUVMASH» тадбиркорларининг юртимиздаги ва хориж давлатларидаги халқаро кўргазма ҳамда ярмаркалардаги иштироки янги-янги шартномалар тузишда ёрдам бериб, ютуқлари алоҳида эътирофга лойиқ топиляпти. Улар ана шундай тадбирларда илғор технологиялар, энг яхши экспозиция ва дизайн учун бир қатор дипломлар билан тақдирланишган.

Корхона мутасаддилари келгусида ҳамкорлар билан шерикликни янада мустаҳкамлаш асносида жалб этилган инвестицияларни акциядорлик жамияти истиқболи йўлида сарфлаб, энг замонавий насослар, агрегат ва эҳтиёт қисмларни тайёрлашни ўзлаштириш, ишчи ўринларини кенгайтириш мақсадини олдиларига қўйган. Эзгу ниятнинг амалга ошиши йўлидаги изланишлар ўз самарасини, албатта кўрсатади. Негаки, тадбиркорлар бугунги кунда изланиб имкон топаётганлар қаторида одим ташламоқда.

**Шарофат БАХРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона цехларидаги иш жараёнлари қизғин олиб борилмоқда**

---



*Ҳунари гўзаллар*

## БОЛАЛАР ОРОМ ОЛСА...

**«БЕШИК БОЛАСИ — БЕК БОЛАСИ» ДЕГАН АЖОЙИБ НАҚЛИМИЗ БОР. ЧИНДАН ҲАМ АЗАЛ-АЗАЛДАН ЎЗБЕК ХОНАДОНИДА ТУҒИЛГАН ҲАР БИР ЧАҚАЛОҚ БЕШИКДА ОРОМ ОЛГАН, ОНАСИНИНГ БЕШИК ТЕБРАТИБ АЙТГАН АЛЛАЛАРИ МЕҲРИДАН БАҲРАМАНД БЎЛГАН. БУГУНГИ КУНДА ҲАМ ОТА-БОБОЛАРИМИЗДАН МЕРОС УРФ-ОДАТИМИЗ ҚАДРИНИ ЙЎҚОТГАНИ ЙЎҚ — БЕШИК ТЎЙЛАРИМИЗ ДАВОМ ЭТМОҚДА, ГЎДАКЛАРИМИЗ БЕШИКНИНГ ТЕБРАНИШИДАН ОРОМ ОЛМОҚДА.**

— Ота-боболаримиз бешиксоз уста ўтишган, — дейди бешиксозлар сулоласининг 4-авлод вакили Рихси опа Комилова. — Шу боис бўлса керак, ушбу ҳунарга болалигимдан меҳр қўйдим. Албатта, бешик ясашнинг, безатишнинг ўзига яраша қонун-қоидалари бўлиб, унда ётадиган ҳар бир боланинг тинч ва осойишта ором олиши, катта бўла борган сари унинг турли ранг ҳамда жилоларидан завқланишига эътибор қаратилади. Шунингдек, бешикнинг мустаҳкамлиги алоҳида аҳамият касб этиб, унда нафақат бир хонадоннинг фарзандлари, балки невара-чеваралари ҳам камолга етади.

Рихси опадан ҳунар сирларини мукаммал ўрганган ўғил-қизлари, келинлари ҳам ҳозирда бешиксозлик билан шуғулланишади. Ўғиллари бугунги кун талабига мос бежирим ва мустаҳкам бешиклар ясашса, қиз ва келинлар унга жило беришади, керакли асбоб-анжомлар тикиб безатишади. Шунинг баробарида ҳунармандлар шогирдлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратишади. Ҳозирда Рихси опанинг 10 нафардан зиёд шогирди мустақил фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатмизда ҳунармандчиликка катта эътибор қаратилиб, уларга имтиёзлар берилди. Ана шундан руҳланган бешиксозлар ҳам ижодий изланишларни давом эттириб, аҳолига талаблар даражасидаги маҳсулот етказиб беришга интилишмоқда. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови эса ҳунармандларни эл-юртга танитишда, меҳнатларини муносиб рағбатлантиришда муносиб ҳисса бўлмоқда. Комиловлар сулоласи ҳам ушбу тадбирнинг фаол иштирокчиларидан ҳисобланиб, маҳоратлари бир неча бор туман, шаҳар босқичларида алоҳида эътироф этилган.

Бешиксоз Рихси Комилова ва унинг фарзандлари ясаган бешик маҳсулотлари айни пайтда «Чорсу» бозоридаги ҳунармандлар расталарида харидорларга етказиб берилмоқда. Ушбу расталардан опанинг 2 та дўкони ўрин олган бўлиб, у доимо харидор ва буюртмачилар билан гавжум бўлади. Бешиксозларнинг эзгу ниятлари эса ҳамиша ойдин бўлиб, улар ҳар бир хонадонда чақалоқ йиғиси жаранглашини тилашади.

**Нозима АКРОМОВА**

**СУРАТДА: бешиксоз Рихси Комилова ўз маҳсулотини намойиш этмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

*9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун*

# БУЮК МУТАФАККИР НАСРИДА НАЗМ ВА УНИНГ РОЛИ



**НАВОИЙ НАСРИЙ АСАРЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ХУСУСИЯТЛАРИДАН БИРИ, УЛАРНИНГ ЎТА ҲАССОС ШЕЪРИЙ ДАҲО СОҲИБИ ҚАЛАМИ ОСТИДАН ЧИҚҚАНЛИГИДИР. УЛАРДА НАСР БИЛАН НАЗМ БИРГАЛИКДА ҲАМ ҒОЯВИЙ, ҲАМ БАДИИЙ ЖИҲАТДАН УЗВИЙ АЛОҚАДА ИШЛАТИЛАДИ.**

Назмий парчалар насрий баёнда маълум мақсадларда истифода этилади, бинобарин, улар наср таркибида муайян ролларни ўтайди.

Навоийнинг қатор асарларида назмий парчалар насрий баёнда ифодаланган фикрни хулосалаш, якунлашда, шунингдек, муаллифнинг асарлардаги ғоявий ниятини янада кучайтириб, бўрттириб, бадиий жозибани ошириб бориш учун хизмат қилади.

Баъзан Навоийда назм насрда билдирилаётган фикрнинг давоми сифатида ҳам берила боради. Баъзан эса назм асосий маълумот тарзида ўрин олади.

Агар сўзни «Мажолис ун-нафоис»дан бошлайдиган бўлсак, бу асар таркибидаги назм унинг моҳияти ва мақсади тақозоси билан асосий, фактик материал сифатида келтирилади. Яъни ҳар бир ижодкор ҳақида маълумот ва «ҳар қайсининг натижаси натойижи табъидин бирор нима (1,2 байт — С.Ғ.) нишона йўсунлуқ» қилиб бериб борилади.

Лекин асар муқаддимасида 4 та ва 7 та мажлиснинг хотималарида аввали ва охирида ҳам рубоийлар борки, улар ҳам хулоса, ҳам мадҳий бағишлов маъносида келади.

*Бу туҳфаки қушмен ибтидоси бирла,*
*Ҳам назм латойифи адоси бирла.*
*Уммид буким, умр вафоси бирла,*
*Хатм айлагамен шоҳ дуоси бирла.*

Маълумки, «Маҳбуб ул-қулуб» Навоий ижодининг деярли энг сўнгги йирик маҳсулидир. Шу жиҳатдан қараганда «Маҳбуб ул-қулуб» улуғ шоирнинг ғоят сермазмун ва ниҳоятда сермашаққат умри давомида тўплаган жуда бой ҳаёт тажрибаси ва хулосаларини ўз ичига олади. Асар муқаддимасида Навоий қуйидаги тўрт мисрани келтиради:

*Гаҳе топтим фалакдин нотавонлиғ.*
*Гаҳе кўрдум замондин комронлиғ.*
*Басе иссиқ-совуғ кўрдум замонда,*
*Басе аччиғ-чучук тоттим жаҳонда.*

Бу шеър Навоийнинг муқаддимада баён этган мураккаб ҳаёт йўли ва аҳволи руҳиятини назмдаги сиқиқ ва ёрқин ифодасидир.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг 1 қисмидаги деярли ҳар фасл байт, қитъа ёки рубоий билан якунланади. Уларга кўпинча бу фасл моҳиятини англатувчи фикр берилади.

Масалан: «Дабиристон аҳли зикрида» деб аталган фаслда муаллимлар, уларнинг оғир масъулиятли ва айни чоғда, шарафли меҳнати хусусида сўз боради ва қуйидаги байт келтирилади:

**Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф**
**ўқутмиш ранж ила,**
**Айламак бўлмас адо онинг ҳақин**
**юз ганж ила.**

Бу байт фаслнинг таълимий-дидактик моҳиятини янада чуқурлаштиради.

Асарнинг III-қисми «Мутаффарқа фавойид ва амсол сурати» деб аталади ва турли фойдали панд, ўгит ҳамда ҳикматларни ўз ичига олади. Ғоявий мундарижаси ниҳоятда хилма-хил ва жуда ҳам кенг бўлган бу қисм насрий «танбиҳ»лар ва турли жанрдаги назмий парчалардан иборат.

Навоий бир танбиҳда дўстлик ҳақида, унинг муқаддас қоидалари борасида сўзлаб шундай қитъа келтиради:

*Ёр улдурки, ҳар неким ўзига*
*Истамас, ёриға ҳам истамагай,*
*Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,*
*Ани мундоқ шерик айламағай.*

Ҳар бир ишни ошиқмасдан, сабр-матонат билан охирига етказиш ҳақидаги «танбиҳ» қуйидаги байт билан якунланади:

**Ҳар кимсаки айламас ошуқмоқни**
**хаёл,**
**Яфроғни ипак қилур, чечак**
**баргини бол.**

Бу каби байти Навоийнинг насрдаги фикрларини тўлдиради, уларга насрдаги мавҳумликларни нисбат, сифат, ўхшатишлар орқали янада ишонарли қилади. Навоий насрида айниқса асар аввали ва сўнгида келтирилган рубоийлар, юқорида қайд этилгандек, мадҳия ва бағишлов маъносидан ташқари ўқувчига мурожаат, уни дуо қилиш ҳамда асарнинг таърифини, ёзилган йилини билдириш мазмунида ҳам келади.

Масалан, «Муншаот» муқаддимасидаги рубоий:

*Ҳар кимки ани ўқурни бунёд этгай,*
*Роқимни агар дуо била ёд этгай.*
*Тенгри они ҳар банддин озод этгай,*
*Ҳар ғамдин анинг хотирини шод этгай.*

1495-96 йилларда Ҳусайн Бойқаро Ҳисорга Абу Саиднинг ўғли Муҳаммад Султон устига черик тортади. У ўғиллари Бадиуззамон Мирзо Иброҳим Ҳусайнга бекларидан Муҳаммад Бурундуқ, Барлос ва Зуннун Арғунни қўшиб Ҳусравшоҳ устига (у Қундузда Муҳаммад Султон номидан ҳокимлик қилар эди) юборади. Ўзи эса Ҳисор қамалига киришади. Бу орада Бадиуззамон анча талофат билан енгилади. Ҳусайн Бойқаро ҳам Ҳисорда зафар қучолмай Қундузга чекинади. Лекин Бадиуззамон аралашуви туфайли яраш тузиб, асирларни алмашлаб Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари Ҳисорга қилинган иккинчи юришда ҳам ғалаба қозона олмай пойтахтга қайтадилар.

«Муншаотда» шу муносабат билан ёзилган бир мактуб бор (бу мактубни баъзи олимларимиз Ҳусайн Бойқарога йўлланган деб ёзган эдилар).

Навоийнинг лирик мероси ҳақида сўз юритганда унинг насрий асарлари таркибидаги шеърларни ҳам назарда тутиш даркор. Тўғри, бу шеърларнинг баъзилари шоир девонларида мавжуд. Лекин аксарияти эса фақат насрий асарларидагина келтирилган.

Навоий насридаги назмлар насрий асарлари ҳам буюк шоир қалами билан яратилганлигига далолатдир.

**Суйима ҒАНИЕВА**

*Биз ва дунё*

# ОММАВИЙ САЙИЛЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

**БАЙРАМЛАР ИНСОН УМРИНИНГ БЕЗАГИ, ҚУВОНЧЛИ ДАМЛАРГА САБАБ БЎЛАДИГАН КУНЛАРДИР. ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ ЎЗИГА ХОС БАЙРАМЛАРИ МАВЖУД. ЖУМЛАДАН "ЧУНЧИЕ" – "БАҲОР БАЙРАМИ" – ХИТОЙЛИКЛАРНИНГ ОЙ ТАҚВИМИ БЎЙИЧА ЯНГИ ЙИЛНИНГ БОШЛАНИШИ БЎЛИБ, ЭНГ КАТТА ВА КЕНГ НИШОНЛАНАДИГАН БАЙРАМЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ.**

У тўрт минг йиллик тарихга эга. Қадимда бу байрам "Nian" номи билан аталган бўлиб, ҳозирги замонавий хитой тилида "йил" деган маънони билдиради. Шу билан бир қаторда ўша даврлардан қолган асотирларга кўра хитойликларнинг тасаввурида бу сўз нафақат "йил" деган маънони англатган, балки уларнинг кўз олдига "Nian" исмли ваҳший махлуқ келар эди. Афсонага кўра Nian ҳар йили баҳор фаслидан олдин қишлоқларга бориб, одамларни олиб кетар эди.

Бугунги кунда ҳам Хитой Халқ Республикасининг фуқаролари "Чунчие" байрамини ўзгача тарзда нишонлашади. Бу оилавий байрам, шунинг учун ҳамма ўз оила аъзолари билан бирга ушбу қувонч бағишловчи кунни хурсандчилик, ўйин-кулгу ва миллий таомлар билан безатилган дастурхон атрофида кутишни ният қилишади. Шу туфайли ҳар бир хитойлик, қаерда бўлишидан қатъи назар, айнан шу куни «Баҳор байрами»ни нишонлаш учун Ватанига қайтиб келишини ўз фарзи деб билади. Ватани равнақи ва фаровонлиги учун янги йилда сидқидилдан меҳнат қилишга бел боғлайдилар.

Хитойликлар янги йилда омад келтирувчи турли ниятларни чиройли шаклдаги қизил қоғозларга ёзиб, уларни эшикларнинг икки томонига осиб қўйишади. Шаҳар кўчаларида оммавий сайл билан бирга қизил аждаҳо ва шер рақслари ҳаммага хуш кайфият улашади. Бу рақслар мардлик ва жасурлик тимсолидир.

"Чунчие" байрамида тайёрланадиган миллий таомлар ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир хонадоннинг дастурхони турли хил нози-неъматларга жуда бой бўлади. Асосий байрам таоми эса чучвара ҳисобланади. Унинг тайёрланиши ҳам ўзгача. Хитойликлар айнан шу байрамда чучваранинг бирига танга солишади. Кимга тангали чучвара тушса, демак бутун йил давомида унга албатта омад кулиб боқади.

Тарихдан бизга маълумки, Хитой билан дўстлик алоқаларимиз Буюк ипак йўли орқали ривожлана бошлаган. Давлатлар ўртасидаги бир неча асрлар давомида сақланиб қолган илиқ муносабатлар мустақиллигимиз шарофати билан тобора мустаҳкамланиб ва ривожланиб бормоқда. Шунга яққол мисол тариқасида Тошкент Давлат шарқшунослик институти томонидан ҳам ўтказилиши одат бўлиб қолган "Чунчие" байрами тадбирини айтишимиз мумкин. Байрам дастури Хитой филологияси кафедрасининг малакали домлалари ва иқтидорли талабалари томонидан катта тайёргарлик билан амалга оширилади. Бу ерга жуда кўп меҳмонлар, жумладан Хитой Халқ Республикасининг элчихонаси ходимлари ҳам ташриф буюришади. "Чунчие" байрами юқори даражада ўтказилиб, тадбир қатнашчилари ўз маҳорати ва истеъдодини бетакрор рақслар ва қўшиқлар ила меҳмонларни хушнуд этадилар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Шарқ халқлари ҳар қандай шоду



хуррамлик кунларини биргаликда, дўстлар даврасида нишонлашни одат қилганлар. Меҳр-оқибат ва дўстликни тараннум этувчи "Чунчие" байрами биз ўзбекларнинг Наврўзимизга жуда ўхшаш.

**Муниса АБДУЛЛАЕВА,**
**Зарина СУЛТОНОВА,**
**Тошкент Давлат шарқшунослик институти**
**3-курс талабалари**

# ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

**МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, БОЗОРЛАРИМИЗ ТЎКИН-СОЧИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА НАФАҚАТ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ЁХУД ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ, БАЛКИ ЎЗБЕКИСТОН КЎЗИ ОЖИЗЛАР ЖАМИЯТИГА ҚАРАШЛИ ЎҚУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ ҲАМ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР.**

Айни пайтда мазкур жамият тизимида 55 та ўқув ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Биргина ўтган йилда ушбу корхоналарда 5681653 сўмдан ортиқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга эришилди. Бу белгиланган режага нисбатан салкам 113 фоизга кўп демакдир.

Мана шу ишларнинг самараси натижасида тармоқ тизимидаги ўқув ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятидан дурустгина даромад олишга эришилмоқда. Бу ўз навбатида мазкур корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш имкониятини бермоқда.

— Жумладан, бугунги кунда жамият қошидаги учта дам олиш маскани, маданият саройи, юрак-асаб касалликлари сиҳатгоҳи, «Ёруғлик нури» реабилитация маркази ва иккита ёрдамчи хўжаликлар ходимларимизнинг соғлиқларини тиклашлари ва маданий ҳордиқ чиқариб олишлари учун хизмат қилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти бошқаруви раиси Ёқуб Жавлонов. — Бундан ташқари, биргина ўтган 2007 йилда ногиронларимизнинг саломатликларини тиклаб олишлари учун 150 нафар ходимимизга юрак ва асаб касалликлари сиҳатгоҳига умумий нархи 24 миллион сўмлик бўлган йўлланма бердик. Шунингдек, «Олтиариқ», «Товоқсой», «Тошмаъдансув» сиҳатгоҳларига 264 та йўлланмалар тарқатилди. Ўз навбатида жойлардаги бошқарув аъзоларига 375 та, дам олиш уйларига 18 та, профилакторийларга 20 та, болалар оромгоҳларига 96 та йўлланма ажратилди.

— Албатта, биз ходимларимизнинг саломатликларини муҳофаза қилиш учун биргина йўлланмалар тарқатиш билан чекланиб қолганимиз йўқ, — деб сўзида давом этади Ё.Жавлонов. — Шулардан келиб чиқиб, улар ўртасида доимий равишда шахмат-шашка, енгил атлетика, армрестлинг каби қатор спорт турлари бўйича мунтазам равишда спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Хусусан, ўтган йил мобайнида 152 та спорт мусобақаси, 304 та адабий кеча, 260 та давра суҳбатлари, 138 та китобхонлик конференциялари ва юздан зиёд кўрик-танловлар, концерт, маданий тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, йил давомида компьютерга ўқитиш лойиҳалари бўйича танлов ўтказиб келинмоқда. Амалга ошираётган ушбу ишларимиз эса ишлаб чиқариш жараёнида ўз самарасини бермоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЁШЛИКНИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ

Бугунги ёшларни кўриб, ҳавасинг келади. Улар учун барча шароитлар яратилган. Қанчадан-қанча илм масканларида таълим олаётган ёшлар орасида иқтидорлилари жуда кўп. Улар томонидан ўзига хос интилиш ва уринувчанлик билан яратилаётган кашфиётларни кўриб, эшитиб, гувоҳ бўлиб турибмиз. Келажак авлодимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган бир даврда баъзи ёшларнинг тўқликка шўхлик қилиб, олтин вақтини елга совуриб юрганини эшитганингда афсусланасан киши. Шунда беихтиёр олдингда нега, нимага, бунга нима сабаб деган бир қатор саволлар кўндаланг бўлади. Балки бунга биз катталарнинг етарли даражада эътибор бермаслигимиз, локайдлигимиз сабабдир. Чиндан ҳам навниҳол боланинг ноқобил йўлга кириб кетишига кўпинча биз катталар сабаб бўламиз.

Халқимизда «Бир болага етти қўшни ота-она», деган яхши гап бор. Шундай экан, биз ҳамиша шу ҳикматга амал қиламизми? Ён-атрофимиздаги болаларнинг нима билан нафас олаётганидан бохабармизми? Йўқ, деб айтишга тил бормайди. Лекин ҳаққига кўчмасдан иложимиз йўқ. Ҳали ҳам кўпчилигимиз «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман», «Менга нима» деган ёмон кайфиятлардан холи бўла олмаяпмиз. Мана шу ожизлигимиз боис баъзи ёшларни кўздан қочиряпмиз. Уларнинг ўз билгича йўл тутишига, кўнгил майлига берилишига йўл очиб беряпмиз.

Маҳалламизда Саид исмли бир бола бор. Оиласи яхши, тарбия кўрган. Отаси қайсидир институтда олим. Онаси тикувчи. Шундай оиладан чиққан боланинг тўсатдан қамалиб қолганини эшитиб ҳайрон бўлдик. Кейин билсак у ноқобил тўдага қўшилиб қолган экан. Ота-она кун бўйи ишда, бола каровсиз. У мактабга гоҳ бориб, гоҳ бормаган. Бунга қўни-қўшнилар ҳам унчалик эътибор беришмаган. Боланинг баъзи нохуш қилмишларидан хабардор бўлганлар ҳам ўзини ёмон кўрсатишни исташмаган, кўз юмиб ўтаверишган. Оқибат балоғат ёшига етиб-етмаган бола панжара ортида қолди. Ҳозир маҳалладошлар ҳам, ота-она ҳам ўзларининг бу қадар локайдликларидан пушаймон.

Тунов куни телевизорда коллеж ўқувчиси бўлган ёш иқтидорли боланинг кашфиёти ҳақида гап борди. Қаранг, ёшгина йигитча ҳаво билан ҳаракатланувчи двигатель ятатибди. Ўспириннинг бундай мўъжизавий кашфиётидан ким ҳам қувонмайди дейсиз. Ўзимизча таққослаймиз. Юқорида номи тилга олинган боланинг ҳам, шу иқтидорли йигитчанинг ҳам ёши бир. Бири келажакка дадил қадам ташлаяпти, иккинчиси эса ёшликнинг қадрига етмай, қимматли даврни елга совуряпти. Кун келиб пушаймон бўлиши табиий. Лекин афсуски вақт ўтган бўлади.

Олдинлари гиёванд деган сўз луғавий китобларимизда бўлса ҳам ҳаётда деярли ишлатилмасди. Ҳозир бу луқма тилимиздан тушмай қолди. Яқинда милиция таянч пунктидан қўнғироқ қилиб қолишди. «Гиёвандлик ҳақида мақола ёзаман, деган эдингиз. Вақтингиз бўлса келинг, шунақа йигитчалардан уч-тўрттасини ушладик», дейишди. Атайлаб бордик. Кўриб кўзимизга ишонмадик. Эндигина балоғат ёшига етган болалар бир аҳволда. Гапларида маъно йўқ, хаёли паришон. Эндиги тақдири нима бўлиши билан ҳам иши йўқ. Бор хаёли оғуда. Қани энди озгина бўлса-ю ундан татиб олиб ҳушини тўпласа.

Милиция хонасидан хафа бўлиб чиқиб кетдим. Йўлда кетяпману беихтиёр тилимдан мана шу сўзлар учиб боряпти. «Азизлар, ёшликнинг қадрига етинг. Унинг дақиқасидан унумли фойдаланинг. Зинҳор-базинҳор номақбул дўстга қўшилманг. Қадамингизни билиб босинг. Давлатимиз бутун эътиборини сиз ёшларга қаратган экан, сиз ҳам шунга яраша лойиқ, юртимизнинг муносиб фарзандлари бўлинг».

## ПУШАЙМОНЛИК

Қадрдоним Ҳалимжон аканинг вафотини эшитиб кўз ўнгим қоронғилашиб кетди. У билан охирги марта видолашиб қолмаганимдан афсусландим. Ўтган йили унинг туғилган кунини биргаликда нишонлагандик. Кейин кундалик юмушлар билан анча вақтгача кўришолмай қолдик. Шуни ўйлаб эртага дўстимнинг уйига бориб ҳол-аҳвол сўраб келишни дилимга тугиб қўйдим.

Эртасига тушдан кейин Ҳалимжон аканикига йўл олдим. Ёшгина бола эшикни очди. Ундан сўрасам: «Бобом уйда йўқлар, касалхонада ётибдилар» деди. Билдимки, бу дўстимнинг набираси.

Овозимни эшитиб ичкаридан Ҳалимжон аканинг аёли чиқди. Саломлашгач, у:

— Оғайнингизнинг тоблари йўқ. Касалхонада ётибдилар, — деди маъюсланиб. Дарҳол манзилини сўраб-суриштириб, касалхонага йўл олдим. Шифокорлар:

— Анча мазалари йўқ. Олдиларига кирмаганингиз маъқул. Уринтириб қўясиз, — деб эътироз билдиришди. Бир зум кириб-чиқишимни илтимос қилиб аранг уларнинг розилигини олдим. Хонага киришим билан Ҳалимжон ака ўрнидан турмоқчи бўлди.

—Қимирламанг, қимирламанг, — дея уни жойидан қўзғатмадим.

— Зап келибсизда, — деди у зерикиб ётганидан шикоят қилиб.

Беморлигидан бехабарлигимни айтиб ундан узр сўрадим.

— Иссиқ жон. Шундай бўлиб қолди.

Узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Тура қолай десам дўстимнинг гапи ҳеч тугамасди. Алла-паллада жойимдан қўзғалдим.

— Энди сиз билан қайта кўришамизми, йўқми билмадим. Лекин...

— Яхши ният қилинг, — дедим унинг сўзини бўлиб. —Соғайиб кетасиз. Ҳали яхши кунлар олдимизда.

— Қайдам, — деди у хомуш тортиб.

Шу тариқа хайрлашдик. Чиндан ҳам унинг аҳволи оғир эди. Шуни била туриб олдига қайта бормаганимни эслаб эзилдим. Баъзан шунақа бўларканда. Кундалик ташвиш, ишлар билан овора бўлиб яқинларингни унутиб қўяркансан. Бўлмаса, энг яқин қадрдонимнинг сўнгги сўзини эшитмай қолармидим. Афсус, афсус. Шу топда ўзимдан ўзим қаттиқ ранжидим.

## МЕҲНАТ КИШИНИ УЛУҒЛАЙДИ

«Меҳнат кишини улуғлайди», деганлари ҳақ. Зеро, меҳнатсиз камолотга эришиб бўлмайди.

Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор. Биринчиси — таннинг саломатлиги, иккинчиси — кўнгил роҳати. Учинчиси — ақл ва зеҳннинг ортишидир.

Эрталаб ўрнидан туриб ўзидан: «Бугун қандай юмушни бажаришим керак?», кечқурун ётишдан олдин эса: «Бугунги қилган меҳнатимдан розиманми?», деб сўраган киши режасидан адашмайди.

Донишманддан сўрадилар:

— Дунёда инсон учун зарур нарса нима?

У деди:

— Меҳнат. Меҳнат қилган киши ақл ва илмда ҳам кучли бўлади.

Яна сўрадилар.

—Меҳнатнинг қадри нима?

У деди:

— Меҳнат инсон камолотига йўл очади. Меҳнат қилмаган кишини ҳеч ким қадрламайди. Энг муҳими, қилаётган ишингни севишинг керак. Ана шунда меҳнат, ҳатто энг оғир меҳнат ҳам ижодга айланади.

*Сўранг, жавоб берамиз*

## ТАЪЛИМ КРЕДИТИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

**Ҳурматли таҳририят! «Сўранг, жавоб берамиз» рукнида бериб борилаётган савол ва жавоблар биз муштарийларга манзур бўлмоқда. Газетанинг навбатдаги сонларидан бирида таълим кредити тўғрисида тўлиқ маълумот берсангиз. Бу кредитни олиш учун қандай ҳужжатлар билан кимга мурожаат қилиш керак? Исталган банк бу кредитни бера оладими? Гаровга буюм қўйиладими? Кимлар учун имтиёзлар бор?**

**Зулхумор Олқарова,**
**Шайхонтоҳур тумани**

***Ушбу саволга Миробод туманидаги 6-сонли давлат нотариал идора нотариуси Ҳурматой НАВРЎЗОВА жавоб беради.***

— Таълим кредити олиш учун Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб келаётган тижорат банкларига мурожаат этиш лозим.

Бу кредит олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун, ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриатга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Бунда:

чин етимларга, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганларга ҳамда болаликдан 1 ва 2 гуруҳ ногиронларига ноль фоиз ставкаси;

талабаларнинг қолган тоифаларига Ўзбекистон Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкалари белгиланади.

Таълим кредитлари бўйича фоиз ставкаси ва тижорат банклари томонидан қўшиладиган фоизлар учун тўловлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин, бу кредит шартномасида қайд этилиши мумкин.

Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси туман бўлимлари томонидан иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

Бундай имтиёзга бўлган ҳуқуқ кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш ва беришнинг амалдаги тартибига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

Таълим кредити олиш учун олувчи тижорат банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а)таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б)талабалар ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгаришлар киритилади, бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади. Сўнгра қарз олувчи, банк ва олий таълим муассасаси ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгаришлар киритилади;

в)фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида белгиланган маълумотнома;

г)кредитни қайтаришни таъминлаш тўғрисидаги ҳужжат;

д)имтиёзли таълим кредити олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар, болаликдан 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар буни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этадилар.

Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан айни бир вақтда паспортни шахсан кўрсатади. Банк паспортдан ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ва нусха олишга ҳақлидир.

Олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи қуйидаги таъминлаш шаклларидан бирини банкка тақдим этиши лозим.

*мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш;

*банкнинг кафолати;

*учинчи шахснинг кафиллиги;

*суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

*фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кафиллиги (фақат чин етимлар ва Меҳрибонлик уйларида тарбияланганлар, болаликдан 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун).

# ЁШ СЦЕНАРИЙЧИЛАР ТАНЛОВИ

**"ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ" ЖАМҒАРМАСИ "КЕЛАЖАК ОВОЗИ" ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИДА ЁШ КИНОСЦЕНАРИЙЧИЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН "ЭНГ ЯХШИ СЦЕНАРИЙ" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ёш авлодга чуқур ва пухта билим беришга йўналтирилгандир. Истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларнинг иқтидор қирралари тўла намоён бўлиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бу борадаги ишларнинг узвий қисмидир.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан маданият ва санъат, оммавий ахборот воситалари, таълим, ахборот технологиялари, халқаро туризм ва бошқа йўналишларда ўтказилаётган турли ижодий лойиҳалар қобилиятли йигит-қизларни аниқлаш, уларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини ҳаётга кенг татбиқ этишга яқиндан кўмаклашиш имконини бермоқда.

Юртимизнинг ҳаваскор киноижодкорлари ўртасида илк марта ташкил этилган "Энг яхши сценарий" танловида ёш қаламкашлар - Эльвира Балгаева, Наталья Алламуродова, Бахтиёр Бегалиев, Нодир Нишонов, Сергей Ан, Вартан Айрапетов ғолибликни қўлга киритди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## Саъдий ШЕРОЗИЙ

### ҲИКМАТЛАР

Бу душманлар агар топса тарбият,
Ҳукмингга қилмаслар асло итоат.

Ақл панжасидан огоҳ бўлган он,
Ҳавою ҳавасда қолмагай дармон.

Кўргансан тунлари ўғри, паст, палид,
Қоровул бор жойга тополмас калит.
* * *
Ёпиқ бўлгандайди оғзинг ғунчадак,
Гулдек йиртилмасди ёқа ва кўйлак!
* * *
Сўзлари бемаъни ёлғончи, каззоб,
Лоф урар мисоли ичи бўш рубоб.
* * *
Тўнимни йиртса ҳам қилардим тоқат,
Тоқат қилолмайман бошласа ғийбат.
* * *
Ўғил ёши ўндан ошгач яхши боқ,
Номаҳрамлардан у ўлтирсин йироқ.

Пахтага оташни яқин келтирма,
Уйинг куйиб кетса, йиғлаб ўлтирма.

Яхши ном қолдирмоқ истарсан агар,
Ўғлингга ақл бер, ўргатгил ҳунар.

Ақлу одобида бўлса гар нуқсон
Ўларсану сендан қолмагай инсон.

Ўғилни эркалаб ўстирмоқ хато,
Ундайлар ҳаётдан кўрар кўп жафо.

Чидам бер – тотисин турмуш кўп-озин,
Жонингдан севсанг-да, кўтарма нозин.

Ёшликдан одоб бер, бер илму ҳунар,
Яхшиликка ўргат, ёмондан қайтар.

Янги иш бошласа мақтов ва таҳсин,
Устоднинг дўқидан яхшидир билгин.

Қорунча хазинанг бўлса ҳам агар,
Фарзандингга ўргат албатта ҳунар.

Бойлик давлатингга суянма зинҳор,
Бойлик бебақодир, давлат беқарор.

Сийму зар кетади, бўшар ҳамёни,
Бўшанмайди асло ҳунарманд ёни.

Билолмайсан замон не қилур охир,
Ғурбат бошга тушар, қилур мусофир.

Агар бўлса киши қўлда ҳунари,
Қўлин чўзмагай ҳеч кишилар сари...

Ким итоат юкин тортар беминнат,
Ўзгалар ҳам унга этар итоат.

Ким ёшликда устоз жабрини чекмас,
Ҳаётда кўп жафо чекса, ажабмас.

Ўғлингга яхши боқ, ҳориб-толмасин,
Ўзгалар қўлига қараб қолмасин.

Ким фарзанд ғамини емади ўзи,
Жовдираб қолади ўзгага кўзи.

Ёмон муаллимдан сақлагил уни,
Ўргатади ўзи не билса шуни.
* * *
Ёмон фарзанд бордан йўғи яхшироқ.
* * *
Биров илмдону бўлса тадбиркор,
Ногаҳ тойиб кетса оёғи якбор.

Кичик бир хатога гапирма қўпол,
Улуғлар демишлар; "Яхшиликни ол!"

Бирга ўсади-ку тикан бирла гул,
Эй оқил, тиканмас, гулни даста қил.

Табъи айбжўйлик бўлса агар бас,
Товус оёғидан бошқасин кўрмас.

Тозалик ахтаргил, эй кўзи хира,
Не кўрсатар кўзгу гар юзи хира?

Барча айбин юзга солма, эй ғаддор,
Сенинг айбингни кўрсатгувчи бор.

Гуноҳкорга дарра, чўп буюргани,
Ўзини гуноҳсиз билурми қани?

Ёмонлик ёқмаса, ўзинг қилмагил,
Кейин бошқаларга қилмагил дегил.

Яхшию ёмони ўзининг моли,
Ҳар ким ўз фойдаю зиён ҳаммоли.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

*Кўргазмалар*

# БИЗНИ ЎРАБ ТУРГАН ДУНЁ

**ШАҲРИМИЗДАГИ ФОТО УЙИДА УМУМИЙ ИЖОДИЙ ҚИЗИҚИШЛАР АСОСИДА ТУЗИЛГАН, ФОТОГРАФИЯ САНЪАТИ ВОСИТАЛАРИ ВА ФЛОН ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ ОРҚАЛИ КИШИЛАРНИНГ ЭСТЕТИКАСИ ҲАМДА МАЪНАВИЯТИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИНИ КЎЗЛАБ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЯНГИ «АКС» ФОТОКЛУБИНИНГ «БИЗНИ ЎРАБ ТУРГАН ДУНЁ» НОМЛИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.**

Кўргазмада санъат ишқибозлари эътиборига пейзаж, портрет, спорт, натюрморт, ню каби турли хил жанрларга мансуб 20 та сурат ҳавола қилинмоқда.

Айниқса тажрибали сураткаш Михаил Левковичнинг «Қуёшдан нурланган ёнғоқ», «Дарахтзорда баҳор ёмғири», ёшлардан Александра Соколовскаянинг «Портрет» ҳамда Зафар Янишевнинг экспозициядан ўрин олган «Япроқлар» асарларида ҳам ўзига хос йўналишлар кўзга ташланмоқда.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, янги фотоклуб аъзолари кўплаб хайрли режаларни тузишган. Келажакда «Спорт», «Юмор» каби турли мавзуларда кўргазмаларни ташкил этиш кўзда тутилган.

**(Ўз мухбиримиз)**



**СУРАТДА: «Акс» фотоклуби кўргазмасидан лавҳа.**

**Алексей Попов олган сурат**

*Спорт янгиликлари*

# ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ ҒАЛАБАСИ

**2008 ЙИЛ — ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАСИ УЧУН ЎТА МАСЪУЛИЯТЛИ МАВСУМ ҲИСОБЛАНАДИ. МАМЛАКАТИМИЗ БОШ ЖАМОАСИ 2010 ЙИЛИ ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ФИНАЛ ҚИСМИГА ЧИҚИШ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН УЧИНЧИ САРАЛАШ БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТАДИ.**

Саралаш турнирига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари учун Туркиянинг Анталия шаҳрида ўқув-машғулот йиғини ташкил этилди. Футболчиларимиз жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик машғулотларидан ташқари, биринчи синов-назорат учрашувида ҳам майдонга тушди.

Беларуснинг "МТЗ-РИПО" жамоаси билан бўлган ўйин ўзбекистонлик чарм тўп усталари устунлигида ўтди. Ҳужумкор ўйин намойиш қилган ҳамюртларимиз беларусликларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.Терма жамоамизга ғалаба келтирган голларга Сервер Жепаров, "Спартак" (Нальчик) ҳужумчиси Марат Бикмаев ва Тошкентнинг "Трактор" жамоаси вакили Павел Соломин муаллифлик қилди.

# КУБОКНИ КИМ ОЛАДИ?

**ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ КУБОГИ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН МУСОБАҚАДА ГУРУҲ БОСҚИЧИДАН ЧОРАК ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА ОЛГАН ДАСТЛАБКИ ЖАМОАЛАР АНИҚЛАНДИ.**

«А» гуруҳидаги учинчи ўйинда "Сўғдиёна" (Жиззах) футболчилари Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси вакилларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Жами етти очко тўплаган жиззахликлар гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб навбатдаги босқичга ўтди.

Гуруҳдаги иккинчи йўлланма тақдири пойтахтнинг "Олимпия" ва Андижоннинг "ЎзДонгЖу" жамоалари ўртасидаги учрашувда ҳал бўлди. Аксарият мухлису мутахассислар ушбу баҳсда олий лиганинг янги вакили — "ЎзДонгЖу" футболчиларининг қўли баланд келишини кутганди. Лекин ғалабага бўлган иродасини намойиш қилган "Олимпия" вакиллари беллашувни 1:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилиб, мусобақани давом эттирадиган бўлди.

«С» гуруҳидаги учинчи тур натижасига кўра, Ўзбекистон миллий чемпионатининг биринчи лигасида тўп сураётган Чирчиқнинг "Кимёгар" жамоаси энг юқори поғонани эгаллади. Чирчиқликлар гуруҳдаги сўнгги учрашувда пойтахтнинг "Шайхонтоҳур" жамоасини 2:0 ҳисобида доғда қолдирди.

Учинчи турнинг энг қизиқарли беллашуви Қозоғистоннинг "Тараз" ва Муборакнинг "Машъал" жамоалари ўртасида бўлди. Муборaклик чарм тўп усталари навбатдаги босқичга чиқиши учун қозоғистонликлар устидан йирик ҳисобда ғалаба қозониши лозим эди. Лекин "Машъал" аъзолари рақиб дарвозасига атиги битта тўп киритишга муваффақ бўлди – 1:0.

Бу гуруҳда бирваракайига учта жамоа олтитадан очко жамғарган бўлса- да, тўплар нисбатига кўра, "Кимёгар" ва "Тараз" жамоалари чорак финалга йўлланма олди.

«D» гуруҳидаги беллашувда Ғузорнинг "Шўртан" жамоаси "Локомотив" (Тошкент) дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритиб, жами етти очко тўплади. "Шўртан" чорак финалга йўлланма олиш билан бирга, гуруҳ беллашувларида ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолган ягона жамоа бўлди.

**Боҳир БЕК**

*"Тошкент оқшоми" саломатлик хизмати*

# АВВАЛО ОРТИҚЧА ВАЗНДАН ҚУТУЛИНГ

**Статистик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, эркакларнинг тенг ярми, аёлларнинг 40 фоизи хуррак отади. Уларга пўписа қилишади, бурунларини қисишади, ёнбошлаб ётишни илтимос қилишади ва... ниҳоят, улар билан бирга ётишдан воз кечишади.**

**Хўш, хуррақдан кутулишнинг иложи борми? Бор, дейишади мутахассислар. Бунинг учун энг аввало озғин ва ҳушёр бўлишдан ишни бошлаш керак...**

— Касалликка алоқаси бўлмаган хуррак бўлади, — **дея изоҳ беради шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Зоҳиджон Мирсобиров.** — Бундай хурракнинг организмга таъсири йўқ. Иккинчи хил хуррак нафас олишнинг (дақиқасига 60 мартагача) дам-бадам тўхтаб қолиши билан кечади ва бундай одам уйқусида нафас олишдан кўра кўпроқ нафас олмай вақтини ўтказади.

Бундай ҳолат, албатта, жиддий муаммоли бўлиб, уйқудаги ҳар бир нафаснинг тўхташи организм учун стрессни туғдиради ҳамда қон босимининг ошиши билан, юрак ритмининг бузилиши ва охир-оқибатда инфаркт, инсульт ёки тўсатдан юз берадиган ўлимга олиб борувчи бошқа хил касаллик аломатлари билан бирга кечади.

Оддий хуррак ҳам бир қанча сабаблар асосида бора-бора касалликка айланиши мумкин. Улардан бири — ортиқча вазндир. Бунда юмшоқ танглай ва томоқ шилимшиқ қобиғида ёғ қатламлари пайдо бўла бошлайди ва шундай ҳам табиий тор бўлган нафас йўллари янада торайди. Иккинчи сабаб ёш билан боғлиқ бўлиб, агар 30 ёшгача йигит ва қизларнинг ҳар ўн нафаридан 1-2 киши хуррак отса, олтмишдан кейин — 6-7 киши хурракчи бўлиб қолади.

Хурракнинг пайдо бўлишидаги муҳим омиллардан яна бири — бу доимий ҳорғин юриш ва алкоголь таъсири билан боғлиқ. Улар оқибат натижада бош миядан келадиган ва уйқу чоғида нафас йўлларини очиб берувчи мушаклар ишини бошқарувчи импульсларнинг сусайишига олиб келади.

У ёки бу кишидаги хуррак оддий хил хуррақми ёки касаллик билан боғлиқми — буни билиш учун тунни уйда эмас, балки полисомнография, яъни уйқуни тадқиқ этувчи махсус лабораторияда ўтказишга тўғри келади. Тадқиқот натижалари мижоз уйқусида нафас олишнинг тўхташ ҳоллари юз бермаслигини кўрсатиши мумкин. Демак, бундай ҳолатлар тиббий нуқтаи назардан ҳеч қандай аралашишга зарурат йўқлигидан далолат беради. Лекин бемор бир ўзи эмас, хотини билан бирга ухламоқчи бўлса, муаммони жарроҳлик йўли билан (юмшоқ танглайни кичрайтириш, нафас йўлларини кенгайтириш ва ҳ.к.) ҳал этиши керак бўлади.

Мабодо, хуррак нафас олишнинг тўхтаб-тўхтаб қолиши билан кечадиган бўлса, тиббий аралашув доираси анча кенгаяди: бурун ёриғини торайтирадиган қийшайиб қолган бурун тўсиғида, бурун атрофи бўшлиқларида, бурун чиғаноқларида жарроҳлик операциялари ўтказилиши талаб этилади. Бодомсимон безни олиб ташлаш, юмшоқ танглайда пластик муолажа, тил илдизида, тил ости суягини операция қилиш зарурати туғилиши эҳтимолдан холи эмас.

Касалликнинг оғир шаклларида жарроҳлик операциялари ҳамиша ҳам ёрдам беравермайди, деб ҳисоблайди профессор С.Ҳасанов. Шунинг учун жарроҳлик муолажалари билан бир қаторда ҳар доим уйқу вақтида ижобий таъсир ўтказишни кўзда тутувчи терапевтик даволаш усули ҳам ҳисобга олиниши керак. Бунда сунъий нафас олдирувчи махсус портатив ускуналардан фойдаланилади. Мижоз кечасига ижобий таъсирни таъминловчи ускунага улаб қўйилган кичик ниқобни кийиб ётади. Хуррақдан нафас олишнинг тўхташи рўй берганда ижобий босим ёпишиб қолган нафас йўллари деворларини очиб юборади ва нафас олиш тикланади.

Бир-уч сеансда лазер ёрдамида сизни хуррақдан халос қилишга ваъда берувчи рекламаларга ишонмасликни маслаҳат берардик. Агар шифокор масалага жиддий ёндошадиган бўлса, хуррақдан қутилиш усулини таклиф қилишдан олдин унинг пайдо бўлиш сабабини аниқлаши керак.

Лазерли жарроҳлик — унинг ёрдамида юмшоқ танглайда лазерли кертиклар тушириш йўли билан беморни даволаш усулларидан биридир. Лекин баъзан тилнинг илдизи ичкарига ботиб кетиши хурракка сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда лазерли кертиклар вазиятни ўнглай олмайди. Боз устига, кертиклар туфайли юмшоқ танглайда чандиқ пайдо бўлиб, у ҳалқумга янада яқинлашиб қолади ва бемор умуман буруndan нафас ололмайдиган бўлади.

Жарроҳликдан ташқари хурракни энг яхши даволаш йўли — бу ҳаёт тарзидир. Бошқа сабаблар ҳам бор-йўқлигидан қатъий назар, хуррак билан тана вазни ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Ҳатто беморнинг бурун тўсиғи қийшиқ бўлган тақдирда ҳам, ҳатто унинг бодомсимон безлари катталашиб кетган ва юмшоқ танглайи йўғонлашган бўлса ҳам — у 10 килограммга, масалан, 100 килограммдан 90 килограммга озса — унинг хурраги жилла бўлмаганда учдан бир ҳиссага камаяди. Агар у 20 килограммга озадиган бўлса, хуррак умуман йўқолиб кетиши мумкин.

Чекишдан ҳам воз кечиш керак. Зеро,, у шилимшиқ қобиқни қуруқшатиб қўяди, унинг салқишига олиб келади, томоқда ёпишқоқ сўлакнинг тўпланишига сабаб бўлади. Яна бир муҳим омил — бу фаол ҳаёт тарзига ўтиш бўлиб, у ҳар қандай жарроҳлик операциясининг ўрнини боса олади. Хулоса қилиб айтганда, фаол ҳаёт тарзи, ортиқча вазнга йўл қўймаслик, ичкилик ва тамакидан воз кечиш — энг ишончли ва яхши даводир.

*Кунлардан бир кун*

## Сопи ўзидан

Раҳматли ёзувчи Анвар Эшонов гапга чечан, ҳазилкаш, улфат одам эди. Бир куни у жамоа хўжалиги раисининг тўйида даврани роса қизитади. Ҳар гал ўртага чиққанида биттадан тўн тўёна қилинаверади. Тўй тарқаганда тахланган тўнлар одам бўйига етиб қолади.

— Энди гап бундоқ, раис бова, — дейди Анвар ака кафтларини бир-бирига ишқалаб. — Бу тўнларни кўтар-кўтар қилиб юрамизми энди, яхшиси ўзингизга сотиб қўя қоламиз.

— А?! - раис янглиш эшитдимми дея қайта сўрайди.

— Тошкентда ҳозир ҳар битта тўннинг баҳоси 30 сўмдан, майли, сиз 25 сўмдан (олдинги даврдаги нарх) ола қолинг. Қани, ош ейдиган қўлингизни беринг.

Раис ҳанг-манг бўлиб, ноилож қўлини узатади.

— Боринг, сиз ҳам барака топинг.

## Улфатлар

Анвар Эшонов республика радиосида ишлаб юрганида жуда кўп адибларнинг жонли овозлари ва асарларининг ёзув тасмасига муҳрланиб қолишида жонбозлик қилган. Ўшанда радионинг адабиёт таҳририяти маданий ҳаётда анча баланд нуфузга эга эди. Табиатан чапани ва серулфат Анвар ака турли қаламкашлар билан муомала-мулоқотни жойига қўйишда устаси фаранг бўлган. Айниқса муаллифларнинг қалам ҳақларини муддатидан олдин ундириб беришда унга тенг келадиган муҳаррир йўқ эди. Хотинга айтмаса ҳам бўлаверадиган бундай мўмай пуллар гоҳо (радионинг қалам ҳақи баракали эди) «ювиш»га сарфланарди.

Раҳматли шоир Юсуф Шомансур радионинг фаол муаллифларидан эди. У асари ҳали эфир тўлқинларига тарқалиб улгурмасдан Анвар аканинг ёнига чопади. Муҳаррир бор маҳоратини ишга солиб, қалам ҳақини ундиргач, икковлон ресторанга боришади. Йўлакай Анвар ака оғайнисидан юз сўм қарз сўрайди. Ҳозиргина юз эллик сўм қалам ҳақи олган шоир пулим йўқ деёлмайди.

Ресторанда Анвар ака ўта сахийлик билан буюртма беради. Бир зумда очил дастурхон турли ичимлик ва нозу-неъматлар билан тўлиб кетади. Кайф анча тарақ бўлгач, бир маҳал Юсуф ака секин чайқалиб сўрайди:

— Анвар, дўстим, қани айтчи, нега сен мендан пул қарз олиб, яна ўзимни меҳмон қиласан?

— Чунки сен ҳаммадан зўр шоирсан! — дейди Анвар ака ҳозиржавоблик билан ва дарров улфатининг қадаҳини тўлдириб қўяди.

— Ҳмм... ш-шундай дегин?! Унда қ-қарзимнинг ярмидан кечдим.

Шундай бўлишини олдиндан яхши билган Анвар ака дўстининг шаънига яна бир оғиз илиқ сўз айтиб, қадаҳ кўтаради. Тамомила эриб кетган Юсуф ака энди гапга нуқта қўяди:

— Анвар! Қарзимнинг ҳаммасидан кечдим!..

**Шодмон ОТАБЕК**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.**

**Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56.**

**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги 46-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда туғилган Аҳмедов Бобир Махаматович номига берилган UZA 075640 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 106

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 13:24